



O'ZBEKISTON OVOZI

Мустақиллик биз учун — ўзлгимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз қўзлаган демократик жамият барпо этишнинг гаровидир.

• 2009-йил • 5-сентябр • Шанба • 108 (30.069) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-йил 21-йундан чиқа бoshлаган

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

Уларда Ўзбекистон ХДП етакчилари, депутатлари, партия фаоллари бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этиши анъанага айланган



Машғулотлар бошланишига ҳали анча вақт бор. Лекин эрта саҳардан пойтахтимизнинг 28-мактаб биноси олдида ўқувчилар йиғила бошлади. Уларнинг кўзлари ва кайфиятларидан бу дамларни қанчалик ортиқиб кутганликлари, синфдошлари, яхши кўрган фан ва лаборатория машғулотларини нақадар соғинганликлари яққол кўриниб турарди.

Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас-да, ахир ҳар янги ўқув йилининг биринчи машғулот, севимли устозлар ва синфдошлар билан дийдор кўришиш, ёз таассуротлари билан ўртоқлашиш,

ўз «кашфиётлари», «ихтиролари» билан мақтанишининг гашти бошқача... Ҳар биримиз биринчи дарс, ўқинининг илк соатидаги ҳаяжонли лаҳзаларни ўз қалбимиздан ўтказганмиз. Бу дарсларда айтилган ҳар бир сўз, ҳар бир калом ўқувчининг ёдида умрбод қолади. Шу боис республикамиз мактабларида ҳар йили ўтказилажак Мустақиллик дарсларига алоҳида эътибор, ўзгача масъулият билан ёндашилади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳам бу хайрли тадбирга ҳисса қўшмоқда, илк сабоқни мазмунли ва эсда қоларли қилиб ўтказишда иштирок этиб келмоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг мазкур ташаббуси замирида ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, бугунги ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, сиёсий жараёнлар, мустақиллик йилларида юз бераётган улкан бунёдкорлик ишларига дахлдорлик туйғуси руҳида тарбиялаш масалалари ётибди. Зотан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари, меҳнат фахрийларининг ўзлари ёшларга ҳаётини мисоллар билан бу борада гапириб бериши ҳам жонли, ҳам қизиқарли бўлиши, шубҳасиз.

Мактаб директори Дилдора Орипова, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шарбат Абдуллаева, туман ҳокимининг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси Муқаддам Расулова, туман партия кенгаши раиси Камолитдин Ақромовларнинг қўлловларига мактаб бандий ҳаваскорлик тўғрисида қатнашчиларининг шўх куй-қўшиқлари уланди.

Ўқувчилар синф хоналарига тарқалар эканлар, уларнинг қалбларида қувонч барқ урарди.

(Давоми 2-бетда)

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 сентябрь куни Оқсаройда «MAN» компаниялар гуруҳи Директорлар кенгаши раиси Хокан Самуэльссонни қабул қилди.

— «MAN Nutzfahrzeuge AG» концерни билан «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани сиз раҳбарлик қилаётган «MAN» компаниялар гуруҳининг мамлакатимиз автомобилсозлик саноатига қизиқишидан далолатдир, — деди давлатимиз раҳбари.

Самарқанддаги «СамАвто» заводи худудда ташкил этилган «JV MAN Auto-Uzbekistan» Ўзбекистон—Германия қўшма корхонаси МДХда биринчи бўлиб жорий йил 4 сентябрдан «MAN» русумидаги юк автомобиллари ишлаб чиқара бошлади. Биринчи босқичда қўшма корхонада нефть-газ, автомобилсозлик, йўлсозлик, кончилик саноати ва иқтисодийнинг бошқа тармоқлари эҳтиёжлари учун турли қувватга эга юк автомобиллари ва ағдарма машиналар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш режалаштирилган. Жаҳонда молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда бу соҳаларда ишлаб чиқаришнинг юқори ўсиш суръати, инфратузилманинг кенгайиб бораётгани ва автомобиль парklarини янгилашга эҳтиёж ортаётгани кузатишмоқда.

Янги тузилган қўшма корхона фаолиятининг илк даврида йилига 2000 дона автотранспорт воситаси ишлаб чиқарилади. Дастлабки босқичда ишлаб чиқариш Самарқанд автомобил заводи билан ҳамкорликда олиб борилади.

«MAN Nutzfahrzeuge AG» концерни келгусида «JV MAN Auto-Uzbekistan» маҳсулотларини МДХ мамлакатларидаги ўз дистрибуторлари орқали экспорт қилишни режалаштирмоқда.

Оқсаройдаги учрашувда Х.Самуэльссон самимий қабул учун мамлакатимиз Президентига миннатдорлик билдириб, «MAN» компаниялар гуруҳи «Ўзавтосаноат» компанияси билан ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон автомобилсозлик саноати корхоналари билан «MAN» компаниялар гуруҳи ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш масалалари, биргаликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

ЯНГИ ҚЎШМА КОРХОНА

Самарқанд туманидаги Гулобод кўрғонида россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган «СамРосХолод» қўшма корхонаси иш бошлади.

Мева-сабзавотларни сифатли сақлаш ҳамда улар учун қадоклаш воситалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган мазкур корхонага бир миллион АҚШ долларидан зиёд миқдорда инвестиция киритилиб, за-

монавий технологиялар ўрнатилди. Шунингдек, 5 минг тонна мева ва сабзавотни сақлаш имкониятига эга совутич қурилди.

— Шу пайтгача туманимизда етиштирилмаган мева-сабзавот ва боғдорчилик маҳсулотлари оддий оморларда сақланган бўлса, эндиликда корхонамизда ташкил этилган замонавий совутич уларни сифатли ва асл ҳолда сақ-

лаш имконини беради, — дейди корхона раҳбари А.Шаропов. — Бу эса киши ва баҳор ойларида ҳам халқимиз дастурхонини сара ноз-неъматлар билан таъминлашга, маҳсулот экспортини ҳажимини оширишга хизмат қилади.

Янги корхонада юздан зиёд киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири

ЎзХДП: устувор вазифалар

ТАШАББУС ВА АМАЛИЙ ИШЛАР — БИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

дея таъкидланди

маҳаллий партия ташкилотлари анжуманларида

Хабарингиз бор, яқинда партияимиз ҳаётида муҳим воқеа — Қорақалпоғистон республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташкилотларининг конференциялари бўлиб ўтди. Анжуманларда минтақавий партия ташкилотларининг «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш худудий дастурлари мажмуи ва минтақавий бандлик дастурини бажаришда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг амалий иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги масала муҳокама этилиб, бу борадаги дастурлар қабул қилинди.

Партия ташкилотлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларимизнинг аҳоли даромадлари ва фаровонлигининг асосий омилли сифатида иш билан бандлик худудий дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, меҳнат бозори ин-

фратузилмасини ривожлантириш, иш топишда қийналаётган ижтимоий муҳофазага муҳтож кишиларни ишга жойлаштириш борасидаги фаолияти ҳар томонлама таҳлил этилиб, мавжуд камчиликлар танқид қилинди.

— Президентимиз ташаббуси билан пойтахтимизда кенг қўламли ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда, ижтимоий-иқтисодий вазифалар ҳал этилапти, — деди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Латиф Фуломов Тошкент шаҳар партия ташкилоти конференциясида. — 2005-2009 йилларда давлатимиз раҳбарининг пойтахтни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва унинг меъморий қиёфасини ўзгартириш, янгилаш масалаларига бағишланган 8 та қарори қабул қилинди.

Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан

катта яратувчилик ишлари олиб борилди. Магистрал кўчалар ва майдонлар кенгайтирилди, обод этилди. Шаҳримизнинг кўп асрлик тарихий меросини ёфода этувчи меъморий ёдгорликлар таъмирланди. Қисқа муддат ичида янги транспорт тармоқлари ишга тушди. Бу эса транспорт қатновини мақбуллаштириш, транспорт хизматлари кўрсатиш аҳолини янада яхшилаш имконини берди.

Лекин партияимиз пойтахт ташкилотининг шаҳарни ободонлаштириш, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган ишларда шунчаки иштирок этиши етарли эмас. ЎзХДП туман ва шаҳар кенгашлари, халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи у ёки бу муаммоларни ҳал қилишда ташаббускор бўлиши зарур.

(Давоми 2-бетда)



«Ўзэкспомарказ»да 7-10 сентябрь кунлари қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмаси бўлиб ўтади. Ушбу тадбир «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида пухта экспертизадан ўтказилган қишлоқ уй-жойлари ва ижтимоий аҳамиятга эга объектларнинг бош режа ва намунавий лойиҳалари асосида қишлоқлар қиёфасини ва қишлоқ аҳолиси турмуш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида ўтказилмоқда.

КЎРГАЗМАГА МАРҲАМАТ!

Ижтимоий йўналтирилган давлат сиёсатининг бош устуворлигини инсон манфаатлари ташкил этувчи мамлакатимизда уй-жой қурилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг 2009 йил 29 январда қабул қилинган «Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, шу йил 19 июндаги «Деворбон материаллар ишлаб чиқаришнинг кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари муҳим омил бўлмоқда.

Ихтисослаштирилган кўргазма Ўзбекистоннинг қурилиш саноатида йилги воқеа бўлиб, унда қурилиш материаллари ва жиҳозларини ишлаб

чиқарувчилар, улгуржи-чакана савдо компаниялари, меъморлар, лойиҳачилар, мамлакатимизнинг қишлоқ туманлари вакиллари иштирок этади. Унда архитектура ва дизайннинг энг илгор талабларига жавоб берадиган қишлоқ уйлари, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари лойиҳалари намойиш этилади. Улар «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-қидирув институти мутахассислари томонидан замонавий қурилиш материаллари ва технологияларини қўллашни, шунингдек, худуднинг табиий-иқлим шароитини ва рельефини, мамлакат худудлари ривожланишининг ижтимоий-демографик жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган. Кўргазма иштирокчилари қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш, молиялаш ва амалга оширишнинг оптимал механизмни жорий этиш билан шуғулланувчи «Қишлоқ қурилиш банк» АТБ фаолияти билан танишадилар.

Кўргазмага марҳамат!

(ЎзА)

Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратурасининг матбуот хизмати хабар қилади

2009 йилнинг 29 август куни тахминан соат 18-30 да биринчи шаҳар касалхонасининг атрофида «Кўча» масжиди яқинида Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Маннон Уйғур кўчаси, 5-уй, 3-хонадон манзилда, Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан муқаддам Тошкент шаҳрида республика фуқароларига қарши бир қатор қотиллик жиноятларини содир этган террорчиларнинг гуруҳини йўқ қилишга қаратилган махсус операция ўтказилган.

Ушбу ҳолат ҳақида маълумот тезкор-тергов тадбирлари ўтказилаётганлиги сабабли берилмаган. Ўтказилган тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган жиноятларга дахлдор бўлган, хорижий террористик марказларда ҳарбий тайёрлик ўтаган уюшган жиноий гуруҳ аниқланган.

Махсус операция натижасида учта террорчи, шу жумладан, қидирувда бўлган, жиноий гуруҳ раҳнамоси Маҳмудов Шавкат Дилшотович йўқ қилинган.

Ҳозирги кунда мазкур ҳодиса юзасидан Ўзбекистон Бош прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов қилинмоқда ва зарурий тергов ҳаракатлари олиб боришмоқда. Шунингдек, шу террористик гуруҳнинг бошқа фаол аъзолари ушланган ва иқдорий кўрсатмалар беришмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг матбуот хизмати ушбу жиноий гуруҳ аъзолари устидан олиб бориладиган тергов ҳаракатлари натижаси бўйича қўшимча маълум қилади.



ПЛАСТИК
КАРТЧКАЛАР
АМАЛДА

2



ПОЙТАХТИМИЗ-
НИНГ ЭНГ ОБОД
ВА КЎРКАМ
МАСКАНИ

3



ВАТАН
ҲИМОЯСИ —
ОЛИЙ ШАРАФ

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT
XALQARO
AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ТАШАББУС ВА АМАЛИЙ ИШЛАР — БИЗНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАМИЗ

дея таъкидланди маҳаллий партия ташкилотлари анжуманларида

Биринчидан, жамоатчилик назоратини ташкил этишда сўздан амалий ишга, электротимиз манфаатларига жавоб берадиган устувор ижтимоий масалаларни ҳал қилишга қаратилган Президент фармонлари, қарорлари ва бошқа муҳим давлат ҳужжатларининг жойларда ижро этилиши мониторингини кучайтириш талаб этилмоқда.

ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналарига мурожаатларнинг ярмидан кўпи аниқ ижтимоий масалалар — коммунал хизматлар, пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақалар, айрим жойларда ойлик иш ҳақларининг ўз вақтида берилмаслиги билан боғлиқ. Шаҳар партия ташкилоти фаоллари ва шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи бундай ахборотга эга. Ҳар бир мурожаат бўйича одамларга ёрдам берилмоқда. Аммо тегишли ахборотни умумлаштириш юзасидан амалий иш қилинмади. Назорат-таҳлил нуқтани назардан тегишли тадбирлар ўтказилмади.

Нима учун бизнинг бошланғич ташкилотларимиз фаолият кўрсатадиган корхоналарда ижтимоий ҳимоя, маҳалларда эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий нафақа олиши ҳолатини ўрганмаслик керак? Ушбу ва бошқа масалаларни ҳал этиш йўллари бarcha манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда муҳокама қилиш, шаҳар Кенгашининг доимий комиссиялари, зарур бўлса, сессияларида қўриб чиқиш учун тегишли қарорлар лойиҳаларини киритиш мумкин-ку.

Иккинчидан, ижтимоий вазият ва ижтимоий йўналтирилган давлат қарорлари ижросининг мониторингини олиб бориш бизнинг бирдан-бир мақсадимиз эмас. Мониторинг аниқлиги бўйича шаҳар ижтимоий ва коммунал хизматлари самарадорлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриш мумкин.

Қўпқаватли уйларида турар-жой фондини сақлаш ва капитал таъмирлаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4-та, ҳукуматнинг 5 та қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжатларнинг учтаси бевосита пойтахт аҳолисининг уй-жой-коммунал шароитларини яхшилашга йўналтирилган. Уларда ишнинг ҳажми ва муддатлари, молиялаштириш манбалари бўйича аниқ кўрсатмалар берилган. Уларни бажариш юзасидан ЎзХДП депутатлик гуруҳининг назорат-таҳлил фаолиятини кучайтириш, туман ташкилотларининг фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги коммунал хизмат билан боғлиқ муам-

моларни шаҳар миқёсида комплекс тарзда ечишга ёрдам берган бўлар эди.

Учинчидан, тегишли шаҳар дастурларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ташаббус кўрсатиш ҳам муҳимдир. Жумладан, ҳозирги вақтда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 19 мартдаги қарорига мувофиқ, 2009-2015 йилларда республикада иссиқлик таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ҳамда иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш ва ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ишлари олиб борилаётган. Давлат ва маҳаллий ҳўжалик бошқаруви органларига кўрсатилган хизматлар таннари, ноишлабчиқариш сарфларини камайтириш, ортиқча ноубудгарчиликларга йўл қўймаслик ҳисобига иссиқлик таъминоти самарадорлигини кучайтиришга йўналтирилган комплекс тадбирларни амалга ошириш вазифалари топширилган. Шунингдек, 2015 йилгача бўлган даврда пойтахт иссиқлик таъминотини ривожлантиришнинг Бош режасини ишлаб чиқиш назарда тутилмоқда.

Пойтахт учун ушбу масала устувор иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга эга. Шу муносабат билан ЎзХДПнинг халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги депутатлик гуруҳи шаҳарда иссиқлик таъминоти корхоналарининг техник ҳолатини, кўп квартиралли уйлари-нинг ички асбоб-ускуналарини, шунингдек, уй-жой фонди иссиқ сув ва иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш асбоблари билан жиҳозланганлигини ўрганишга киришиши мақсадга мувофиқдир. Бу ишда партиянинг туман кенгаши ва депутатлик гуруҳига ёрдам бериши зарур. Ушбу жараёнда электротимизнинг «Тошиссиққуввати» хизматлари даражаси, сифати ҳақидаги фикрлари ҳамда ушбу хизматларни яхшилашга доир тақлифлари албатта эътиборга олинishi керак. Шунингдек, уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда пойтахтдаги мавжуд турар-жойларда иситиш ва иссиқ сув таъминотининг мўқобил тизимларини ўрганиши ташкил этиш зарур.

Мониторинг олиб бориш, диққатталаб муаммоларни аниқлаш ва тақлиф этилаётган муқобил ечимлар амалий хусусиятга эга бўлиши керак. ЎзХДП шаҳар ташкилоти таъкид қилиш ва четдан туриб ўргатишга интилмасдан, устувор ижтимоий вазифаларни ҳал этишга доир умумий ишда фаол қатнашиш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон ХДП Андижон вилоят ташкилоти конференциясида ҳам бугунги кунда вилоят, туман ва шаҳар кенгашилари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги

маралароқ ечишга хизмат қилган бўлар эди.

2009 йил 3 августда Президентимизнинг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Маазур қарорга мувофиқ, қишлоқ аҳолисининг яшаш шароитини тубдан яхшилаш мақсадида уй-жойларни намунавий лойиҳалар ва ижтимоий объектларни қишлоқ аҳоли пунктлари архитектура-режалаштириш ташкилотларининг бош режалари асосида амалга оши-



депутатлик гуруҳларимиз кўриб чиқиш назарда тутилмоқда.

риш мўлжалланмоқда. Бу ишни ҳар йилнинг 1 ноябрга яқин тартибда иморат қурувчилар учун янги ер майдонларини мунтазам равишда ажратиш асосида амалга ошириш кўзда тутилган. Шунга асосан маҳаллий давлат бошқаруви органларининг қарорлари қабул қилинади. Ушбу мақсадда имтиёзли кредитлар ажратиш кўзда тутилган. Қишлоқ аҳоли пунктларида нафақат уй-жой, балки янги ижтимоий объектларни қуриш, инфратузилмани шакллантириш бўйича буюртмаларни ҳар йили ўтказиладиган танлов орқали бажариш мўлжалланмоқда.

Президентнинг мазкур қароридан кўзда тутилган вазифаларни амалга ошириш бўйича кўпал муҳим давлат ҳужжатлари қабул қилинди. Агар кучларни мазкур ҳужжатларнинг бажарилишига сафарбар этса, бу Жамоатчилик қабулхоналари ва ЎзХДПдан сайланган депутатлар тор доирада ҳал этилаётган ижтимоий масалаларни вилоят миқёсида янада са-

жой, ижтимоий объектлар қурилиши таркиби ва тизимини аниқлаш бўйича бошланғич ишларда фаол иштирок этиш зарур. Шунингдек, аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш, тегишли қишлоқ аҳоли пунктларини ривожлантириш дастурларига киритилишига эришишлари даркор.

«Қишлоқ қурилиш банк»нинг имтиёзли кредитлари намунавий лойиҳалар асосида янги қурилган хусусий уй-жойларни ажратишда ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларнинг ҳуқуқлари бузилмаслиги алоҳида эътибор қаратиш зарур.

ЎзХДП вилоят ташкилоти ўзининг амалий ишлари билан Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили ва Инқирозга қарши чоралар дастурининг устувор ижтимоий масалаларини ҳал қилишга қаратилган ишларга ўз муносиб ҳиссасини қўйиши керак.

Партиянинг Бухоро, Жиззах, Сирдарё, Самарқанд, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоят ташкилотлари анжуманларида иштирок этган Марказий Кенгаш раиси ўринбосарлари Улугбек Вафоев, Шарбат Абдуллаева, Ҳамидулла Назаровлар ўз нуқталарида қуйидаги долзарб масалаларга тўхтадилар.

Меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш даражасини ошириш электротимизнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишда маҳаллий Кенгашилардаги ЎзХДП депутатлик гуруҳларидан тегишли ҳудудий дастурлар ижро этилишининг мониторингини олиб бориш, зарур бўлса, уларга электротимиз манфаатларига жавоб берадиган қўшимчалар ва аниқликлар киритиш тўғрисидаги масалаларни сессияларга олиб чиқиш талаб қилинади.

Шунингдек, партия ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашиларидаги депутатлик гуруҳларимиз қўшимчилик ва касаначиликни ривожлантириш мақсадида хомашени тўплаш, бирламчи қайта ишлаш бўйича иш ўринларини кўпайтириш масалаларида кўпроқ ташаббус кўрсатишлари зарур. Банд-

ликнинг ушбу шакллари билан қамраб олинган аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш бизнинг доимий вазифамизга айланиши керак. Шунингдек, ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, уларнинг маълумоти даражасини ошириш вазифаларини бундан кейин ҳам босқичма-босқич ҳал қилишнинг муҳим деб ҳисоблаймиз.

Ушбу масалаларда партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини фақат мониторинг ва жамоатчилик назоратидан иборат деб билмаслик керак. Тегишли вазифаларни ҳал қилишда партиянинг ташкилотларининг бевосита иштирокини кучайтириш, бу борада самарали усулларни излаш зарур.

Масалан, манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда электротимиз вакиллари учун иш ўринлари ярмаркаларини ўтказиш тажрибаси бизда бор. Энди уларни янада кўпроқ ташкил этиш, ҳудудий, ижтисолашган меҳнат ярмаркалари ўтказиш, корхоналар раҳбарлари ва ишга жойлаштириш органлари билан ЎзХДП маҳаллий ташкилотлари, депутатларнинг қўшма йиғилишларида тегишли масалаларни муҳокама этиб бориш яхши натижа бериши мумкин.

Ушбу масалаларда бизнинг асосий мақсадимиз электротимиз манфаатларига жавоб берадиган энг муҳим давлат қарорлари ҳаётга изчил татбиқ этилишини иборат. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва мақсадли ижтимоий ҳимоя қилиш вазифаларини ҳал қилишда маҳаллий давлат бошқаруви органлари ходимлари жавабгарлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни кўриш талаб қилинади.

Яна бир ижтимоий муҳим масала — аҳолини коммунал, уй-жой, маиший хизматлар билан таъминлаш тизимини ҳозирги замон талаблари, стандартларига мувофиқ янада такомиллаштиришда маҳаллий ва бошланғич ташкилотларимиз иштирокини кучайтиришдир. Тенг, ўзаро жавобгарлик принциплари асосида коммунал хизматлар етказиб берувчи ва фойдаланувчи ўртасидаги муноса-

батларни мақбуллаштириш, уй-жой эгаларининг ундан фойдаланишда мустақиллигини, жавобгарлигини ошириш, ушбу соҳада мавжуд ижтимоий боқимандаликнинг олдини олишга қўмаклашиш ҳам муҳимдир.

Партияимиз позицияси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳудудий комплекс дастурлари ва иш билан таъминлашнинг минтақавий дастурларини амалда рўйбга чиқаришда партияимиз ташкилотлари, депутатларининг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қабул қилинаётган дастурда ўз аксини топмоғи мумкин.

Сийёсий ислохотларнинг янги босқичида аҳолининг сийёсий ва электротимизнинг минтақавий вазифасининг аҳамияти ошиб бормоқда. Партияимиз ушбу жараёнларда бетараф кузатувчи эмас, балки аҳолининг ҳуқуқий ва сийёсий маданиятини ошириш бўйича олиб борилаётган босқичма-босқич чора-тадбирларнинг бевосита иштирокини билиши керак.

Яна бир муҳим масала — фаолиятимизда мақдурвий масалалар устувор ўрин эгаллаш табиий. Шу муносабат билан қишлоқда ҳақиқий фуқаролик позициясини, ўзининг конституций ҳуқуқ ва эркинликларидан онгли ва жавобгарлиқни ҳис қилиб фойдаланиш маданиятини янада такомиллаштириш талаб этилади. Авваламбор, сийёсий ва фуқаролик маърифати тизимидagi ўқув-семинарларни юқори даражага кўтариш, уларнинг савиясини ошириш, мазкур тадбирларга маърузачи ва модератор сифатида кўпроқ сийёсатшунос, ҳуқуқшуносларни, малакали мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир. Шунинг билан бирга, партия ташкилотлари ҳузуридаги Ахборот-реферс марказларини техник воситалар билан тўлиқ жиҳозлаш, янги адабиёт ва қўлланмалар билан бойитиб бориш бўйича ишларни давом эттириш, ушбу марказларни партия фаолларининг ҳақиқий билим масканига айлантириш талаб этилмоқда.

Конференцияларда билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тақлифлар умумлаштирилиб, минтақавий ташкилотлар қабул қилган «Ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари мажмуи ва минтақавий бандлик дастурини бажаришда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг амалий иштирокини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳаракат дастурларига киритилди.

Ўзбекистон ХДП матбуот хизмати

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 28-мактаб ўқувчилари учун ҳам янги ўқув йилининг илк сабоғи ҳар галгидан қизиқарли ўтди. Ёшлар ҳузурига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Боймурод Юсупов, Муҳаббат Абдуллаева ва Маҳидхон Усмановлар ҳам ташриф буюрдилар. Улар ўқувчиларга Ўзбекистон мустақил ривожланишининг энг муҳим босқичлари, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида ҳаётий мисоллар билан гапириб бердилар. Шунингдек, фаоллар Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги, унинг тарихи ва бугун тобора ривожланиб бораётгани ҳақида батафсил сўз юритдилар.



МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ

Уларда Ўзбекистон ХДП етакчилари, депутатлари, партия фаоллари бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонлари, Олий Мажлис Сенати аъзолари иштирок этиши аънамага айланган

Шунингдек, иштирокчилар мамлакатимизда шаклланган икки палатали парламент фаолияти, қонунратувчилик механизмлари, сийёсий партиялар фаолияти ҳақида ёшларни қизиқтирган қўллаб-қувватловчи жавоб бердилар. 9-синф ўқувчилари Абдурахмон Юсупов ва Носир Ақромовларнинг мамлакатимизда мустақиллик йилларида рўй берган ўзгаришлар, Тошкентнинг 2200 йиллиги муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари ҳақидаги фикрлари ёшларнинг мамлакат тарихи ва ижтимоий-сийёсий ҳаёти билан чуқур танишаётганликларини намойиш этди. Ўқувчиларнинг савол-жавоблари ва уларнинг фаолигини кузатар экансиз, мазкур

мактаб XXI аср мактаби деб эътироф этилганлигига яна бир бор амин бўласиз. — Депутатларнинг ўқувчилар билан бундай учрашувлари уларнинг хотираларида анчагача сақланиб қолади, — дейди мактаб ўқувчиси Фариди Толипова. — Бугунги сабоқ уларнинг билими, дунёқараши ошишига хизмат қилишига ишонаман. — Менга Мустақиллик дарсларининг ўтиши жуда ҳам ёқди, — дейди мактаб ўқувчиси Зиёда Ҳайдарова. — Мактабимизга Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ташриф буюришлари туфайли дарсларимиз янада қизиқарли ўтди. Биз саволларимизга уларнинг ўзларидан жавоблар олдик.

Маҳмуд ТОИРОВ, Шавкат ҚАҲҚОРОВ олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР АМАЛДА

Маълумки, терминаллар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш салмоғининг ошиши нақд пул тушумига бўлган эҳтиёжни сезиларли даражада пайсасаларида ишчи-ҳодимларнинг 40-50 фоизгача иш ҳақлари пластик картотчаларга ўтказиб берилаётганлигини инobatта олсак, бу масала қанчалик долзарб эканлиги ойдинлашади.

Тошкент вилояти миқёсида ҳам бу борада катта ҳажмида иш олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги «Тижорат банклари депозитларида аҳоли ва ҳўжалик субъектларининг бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан бундай қарор ишлар амалга оширилди. Аҳоли билан пластик картотчалар орқали савдо қилиш ҳажмини кўпайтириш мақсадида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 550 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига қўшимча терминал аппаратлари ўрнатилди. Амалга оширилган ишларнинг самараси аса ҳар ой якунида яққол намоён бўлмоқда. Масалан, 2009 йил 1 август ҳолатига вилоят миқёсида пластик картот-

чалар орқали савдо ва хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган ойнинг шу даврига нисбатан 9,2 млрд. сўмга ортди. Вилоят ҳокимлиги томонидан 2009 йил апрель ойидаги нақд пул тушувларни кўпайтириш ва биринчи даражали тўловларни тўлаш учун нақд пул маблағларини узлуксиз берилишини таъминлаш борасида ишлаб чиқилган қўшимча чора-тадбирларга асосан жорий йил охирига қадар вилоят бўйича жами 3724 та ҳўжалик юритувчи субъектларга ҳисоб-китоб терминаллари ўрнатилиши режалаштирилган. Вилоятнинг туман ва шаҳарларида солиқ органлари томонидан ўтказиладиган ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг ўтган даври ҳолатига кўра, ҳудудларда фаолият кўрсатаётган 2578 та савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида

ҳисоб-китоб терминаллари ишлаб турибди. Ўз ўрнида бу борада мавжуд муаммолардан кўз юмиб бўлмайдми. Вилоят солиқ идоралари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари натижасида бир қанча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида пластик картотчалар орқали тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйинтовлаш ҳолатлари аниқланди. Мисол учун, Зангиота туманидаги «Чемпион ойл» корхонасига қарашли АЕҚШда ва «Наврўз конц савдо» корхонаси савдо дўкониди, Оқўрғон туманидаги «Ас-Лиддинбек Баҳромов» хусусий корхонасида, Олмалик шаҳридаги «Ғолиб» хусусий фирмасида ҳамда хусусий тадбиркор Э.Ар-тикбаева, Бекобод шаҳридаги хусусий тадбиркор Э.Нурматовларнинг ҳаридорларга пластик картотка орқали савдо қилишдан

Долзарб мавзу



асосиз бoш тортиш ҳолатлари аниқланди, улар белгиланган тартибда доллатнома тузилган ва энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробаридан 50 баробаригача миқдорда жаримага тортилди. Шу ўринда айтиш жоизки, бундай ҳолатларни бар-тараф этишда фуқароларнинг эътиборли бўлишлари жуда муҳим. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида пластик картотчалардан тўловларни қабул қилишдан ноқонуний бўйинтовлаш ҳолатлари бўйича фуқаролардан ариза ва шикоятларни қабул қилиш ва белгиланган тартибда

ижросини таъминлаш мақсадида туманлардаги маҳаллий ва вилоятнинг «Тошкент ҳақиқати» газеталарида, барча туман ва шаҳар ДСИларининг «Ишонч телефонлари» эълон қилинди. Бундан ташқари, Тошкент вилояти ДСБнинг 150-49-56 рақамли ишонч телефони орқали фуқароларнинг ариза ва мурожаатларини қабул қилиб, зудлик билан назорат тадбирлари ўтказиш тизими йўлга қўйилган.

Санжар ҚУРБОНМУРОВА, Тошкент вилоят ДСБ Ахборот хизмати инспектори

Юнусобод тумани 1936 йил 36 августда ташкил этилган. 1992 йил 8 май куни тумanning тарихий жой номидан келиб чиқиб, Юнусобод деб аташга қарор қилинди. Туман пойтахтимизнинг Шимолий қисмида жойлашган бўлиб, Собир Раҳимов, Шайхонтоҳур, Чилонзор, Яккасарой, Миробод, Ҳамза, Мирзо Улуғбек ва Тошкент вилоятининг Қўрай, Тошкент туманлари билан чегарадош. Худудидан Бўзсув, Қорақамиш, Анҳор, Салор каби катта каналлар оқиб ўтади. Умумий майдони 4106 гектар, аҳолиси 297,7 минг кишидан зиёд.

1966 йилда рўй берган Тошкент зилзиласидан кейин тумanning Бўзсувга-ча қисмида қайта қуриш ишлари амалга оширилган бўлса, темир йўлдан нариги қисмида кўп қаватли уйлар қуришга киришилган. Ҳозирги Кичик ҳалқа йўли билан темир йўл оралмида асосан яқка тартибдаги уй-жойлар бўлган. 1983 йилда вилоятнинг туташ ерларидан бир қисми Юнусобод туманига қўшилган. Туманда айни пайтда 1107 та кўп қаватли уй, 12550 та яқка тартибдаги уй-жой, 58 та маҳалла, 324 ширкат бор. Худудидан 430 та кўча ўтади. Асосий кўчалари: Амир Темур шоҳқўчаси (умумий узунлиги 9 км. га яқин, пойтахтимиздаги энг катта кўча), Кичик ҳалқа йўли, Боғишамол, Шахристон, Аҳмад Дониш, Бодомзор, Чинобод, Шунингдек, туманда «Мустақиллик майдони», «Абдулла Қодирий», «Минор», «Бодомзор» ва «Ҳабиб Абдуллаев» метро бекатлари жойлашган ҳамда баландлиги 375 метр бўлган Тошкент телеминораси буй чўзган.

Тарихий манбаларда «Юнусобод» номи «Юнус роботи» атамасидан олинган таъкидланади. Маълумки, ўтган асрларда шимолий юртлардан Тошкентга келган йўловчилар қамишзорлар орасидаги Алвастиқўриқдан ўтишган. Агар йўловчилар кеч қолишса, бу кўприқдан ўтиш хатарли бўлгани учун ҳозирги «Юнусобод» деҳқон бозори яқинида тунашган. Бу жойда вақтинчалик роботлар пайдо бўлган. XVIII аср охири XIX аср бошида Тошкентни бошқарган Юнусхон йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида роботлар қурдирган. Шу тарихи Юнус роботида қарвонлар тўхтайдиган бўлишган ва бу жой гавжумлашган. Бора-бора «Юнус роботи» сузлашув тилида «Юнусобод» атамасига айланган.

ПОЙТАХТИМИЗНИНГ ЭНГ ОБОД ВА КЎРКАМ МАСКАНИ

Юнусобод туманининг бой маданий мероси ва бу ерда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари хусусида

Мустақиллик йилларида Юнусобод туманининг инфратузилмаси мутлақо ўзгариб кетди. Унинг кўрки-таровати кун сайин очилиб бораёпти. Бугун тумандаги «Интерконтиненталь», «Марказий», «Дедман Силк Роуд Тошкент» каби замонавий талабларга жавоб берадиган 7 та меҳмонхонани нафақат юртимизда, ҳатто чет элларда ҳам яхши билишадди.

Туман иқтисодийотини ривожлантиришга «Зенит электроникс» қўша корхонаси, «Асбобсоз» ҳиссадорлик жамияти, «АЗН» МЧЖ, «Daichi auto Parts», «Pule Asian Marketing», «Билл Полвон», «Новофарма плюс» каби корхоналар муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тумандаги 3 та автокорхонадаги 265 та автомобил-машина ва 105 та автобус, 17 та ёниги қуйиш шохчаси, 15 та телефон станцияси, 13 та банк, 415 та маиший хизмат кўрсатиш ва 1625 та савдо шохчалари, 3 та бозор юнусободликларнинг узогини яқин, оғирини енгил қилаёпти.

Юнусободда 8 та шифона бўлиб, даволаниш ўринлари сони 1992 тани ташкил этади. Уларда 2065 нафар врач, 3291 нафар ҳамшира хизмат қилади. Албатта, кўпчилик тумандаги «Чинобод» санаторийини яхши билади. Мамлакатимизда дони кетган бу санаторийда бир вақтнинг ўзида 450 киши саломатлигини тиклаши мумкин.


Бўлажонларнинг соғлом ва зукко бўлиб вояга етишида тумандаги 70 та мактабга тарбия муассасасининг хизмати катта бўлаёпти. 40 та мактабда 41266 нафар ўқувчи 2252 ўқитувчи-мураббийдан таълим-тарбия олаёпти. Шунингдек, туманда 3 та мусиқа мактаби, 2 та меҳрибонлик уйи бор. 7 та академик лицейда 5 мингга яқин, 4 та коллежда 5 мингдан зиёд ўқувчиларга билим берилаётгани, касб-ҳунар сирлари

ўргатиляпти. 4 та олий ўқув юртида 17 мингдан ортиқ талаба таҳсил олади. Маданий-маърифий тadbирлар ўтказиш, спорт билан шуғулланиш учун яратилган шароитларни бошқа туманлар билан қиёслайдиган бўлса, бу борда юнусободликларнинг омади қулган. Мамлакатимиз кўрки бўлган «Туркистон» саройи, болажонларнинг севишли масканлари бўлган «Аквабог», «Тошкентленд», пойтахтимиздаги ягона ҳайвонот боғи туман худудида жойлашган. Уларга мамлакатимиздаги ягона Ўзбекистон тарихи давлат музейи (жами 5 та музей), Ўзбекистон тасвирий санъат галереяси, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 6 та маданият уйи, 188 та спорт иншооти, 7 та бассейни қўшса, туман аҳлининг ҳам маданий ҳордиқ олиши, ҳам саломатлигини мустаҳкамлаши учун ажойиб шароит бор.

«Юнусобод» теннис клуби дейилиши билан барчамизнинг қалбимизда фахр-ифтихор туйғуси жўш уради. Қисқа муддатда клуб ёнида барча спорт ташкилотлари талабларига жавоб берадиган «Ўзбекистон» спорт мажмуаси, бироз ўтиб «Универсал» спорт мажмуаси қад ростлади. Бу спорт мажмуаларида нуфусли халқаро мусобақалар, кўплаб спорт турлари бўйича жаҳон, Осиё чемпионатлари ўтказиб келинапти.

Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва Тошкентнинг 2200 йиллиги тўйларини муносиб кутиб олиш учун туманда кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Шундай экан, Шоштепадай қадимий археологик ёдгорлиги олам аҳли эътиборини қаратган, худудидаги бири-бирдан гўзал иншоот-қошоналари билан дунёга дон таратаётган меҳнаткаш юнусободликлар кутлуғ байрамларни ёруз юз билан кутиб олишди.

АЗИЗ ВА МУҚАДДАС ЗИЁРАТГОҲЛАР



ШОШТЕПА — қадимий археологик ёдгорлик. Бу жойда милоддан аввалги VI-IV асрларда яшаган ўтроқ аҳоли турар-жойларининг қолдиқлари топилган. Милоддан аввалги II-I асрларда атрофи айланма девор билан ўраб олинган доира шаклидаги қалъа-қўрғон қад ростлаган. Қалинлиги 4 метрли қўрғон девори йирик хом гишлардан бунёд этилган. Қўрғонда шаҳарсозлик маданиятининг асосий белгиси ҳисобланган ҳунармандчилик ривожланган. Археологик қазималар чоғида ўша даврга оид ҳунармандчиликнинг ноёб буюмлари топилган.

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ — Тошкентнинг, Ўзбекистоннинг бош майдони. Бу жойда Мустақиллик ва Эзгулик монументи, Мотамсаро она ҳайкали, Вазирлар Маҳкамаси ва Сенат бинолари жойлашган. 1992 йилда рамзий Ер шаридида Ўзбекистон Республикаси харитаси акс этган обода ўрнатилиши муносабати билан майдонда катта ободончилик ишлари бошланди. 2004-2005 йилларда майдонда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари давом эттирилди. Эзгулик аркаси, Сенат биноси қурилди, маъмурий бино янгича қиёфада таъмирдан чиқарилди.

ди, Бахтиёр она ҳайкали ўрнатилди, хиббон, кўкаламзорлар, фавворалар барпо қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 февралда қабул қилган «Мустақиллик ва Эзгулик монументи тўғрисида»ги қароридан бу майдоннинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим аҳамияти ўзининг тўлақонли ифодасини топди.

АМИР ТЕМУР ХИББОНИ ВА ТЕМУРИЙЛАР ТАРИХИ ДАВЛАТ МУЗЕЙИ — пойтахтимиз марказидаги кутлуғ ва кўркам маскан. Мустақиллигимиз дастлабки йилларидаёқ Президентимиз сай-ҳаракатлари билан Амир Темур бобомизнинг мамлакатимиз ва жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳисса-қисмига эътибор берилди. Тошкентдаги сўлим хиббонга унинг номи берилиб, 1993 йилда улғувор ҳайкали ўрнатилди. Шу муносабат билан хиббонда ва унинг атрофида катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. 1996 йилда уч қаватли, баландлиги 31 метр доира шаклидаги (диаметри — ташки томони 70 метр, ички томони 50 метр) Темурийлар тарихи давлат музейи барпо қилинди.

ХОТИРА МАЙДОНИ — 1999 йилда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган барча ўзбекистонлик жангчилар хотирасига барпо қилинган ёдгорлик. Майдон тўрига Мотамсаро она ҳайкали ўрнатилган, пойида мангу аланга ёдгорлиги ва икки чети гулзор, узунлиги 40 метр хиббон. Унинг атрофида шарқона услубда қурилган айвонлар, бу айвонларнинг тоқчаларидаги юпка металл қатламларга шайхид кетган барча жангчиларнинг исм-шарифи зарҳал харфлар билан ёзилган.

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЁДГОРЛИК МАЖМУИ. Бўзсув каналининг Амир Темур шоҳқўчасига туташ соҳилида мустақид тузумнинг қарчоллари буйруғи билан содир этилган муҳтиср жиноятларни кўпчилик билмасди. Ўтган асрнинг 40-йилларида бу ерда юртимизнинг миллатпарвар, зиёли фарзандларидан бир гуруҳи отиб ташланган эди. Узоқ йиллар эътиборсиз, қаровсиз ётган бу ерда Президентимиз ташаббуси билан ёдгорлик мажмуи барпо этилган. Мажмуа марказида нефритдан ишланган рамзий сағана ва унинг устида миллий меъморчилик услубида тикланган, баландлиги 27 метр бўлган гўмбазли айвон бор. Ён-атрофи хиббон ва кўкаламзор-гулзорлар. Бўзсув устига узунлиги 100 метр кўприк қурилган. Мажмуа худудида бунёд қилинган

«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи 2002 йил 31 августда очилган. Музейдан қатагончилик сиёсати дахшатларини акс эттирган ва бу даврга қатагон қилинган фидоий жўртдошларимизга тегишли ашёлар ҳам урин олган.



Туманда 39,1 минг нафар нафақадаги киши, иккита Меҳрибонлик уйи, ёрдамчи интернат-мактаб бор

КУЧЛИ ИЖТИМОЙ СИЁСАТ

тинч-фаровонлигимиз, юксалишимиз гаровидир



Нигора ЭШМЕТОВА, ЎзХДПнинг Юнусобод тумани кенгаши раиси:

— Туман кенгашининг ташкилотимизда 2500 нафардан зиёд ЎзХДП аъзоси бор. Улар билан ҳамжиҳатликда аҳолининг ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлами кўллаб-қувватлаш ишларига ўз ҳиссамизни қўшиб келаямиз. Бунда туман Жамоатчилик қабулхонаси ташкил қилганимиз қўл келаяпти. Ҳозиргача жамоатчилик қабулхонамизга 258 нафар киши турли масалалар бўйича мурожаат қилди, улардан 179 тасини ижобий ҳал этишга қўмақлашдик.

Юртимизнинг, партиямизнинг келажиги бўлган ёшлар билан ишлаш донимий диққат марказимизда. Туман кенгашининг «Истиқбол» ёшлар қаноти билан маданий-маърифий ишларни, ўтган йил бошидан эса «ЎзХДПда ёш сиёсатчи» кўрик-танловини ўтказиб келаямиз. «Фаол аёллар» қанотимиз ҳам хотин-қизларимиз маънавиятини юксалтириш борасида қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Туманимизда партиямиздан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Тошкент шаҳар Кенгашига сайланган депутатлар билан учрашувлар ўтказиб бориш аънаъга айланган. Бу юзма-юз учрашувларда кўтарилган кўплаб долзарб масалалар ўз ечимини топмоқда. Умуман, туманимиздаги ижтимоий ёрдамга муҳтож қатлам — нафақадаги кишилар, ногиронлар, кам таъминланган оилаларга меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига моддий ва маънавий кўмак беришни маҳаллалар фаоллари, «Бахт назир», «Титан-Плюс» МЧЖ каби олихизмат ҳрмиллари билан ҳамкорликда амалга оширишга ҳаракат қилаёмиз.

Қўшалок байрамларимизга бағишланган тadbирларда Мустақиллик аталмиш бебаҳо неъматнинг, Тошкент юбилейи нишонланганининг тарихий аҳамиятини янада кенгроқ тушуниришга эътиборимизни қаратдик.

Аспор МҮМИН, «Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЭЛГА МАШҲУР КИШИЛАР

Юнусобод туманида ҳам шундай ажойиб кишилар яшайдики, уларнинг исми-шарифини айтишнинг билан одамларнинг хечраси ёришади. «Бу фалончи машҳур одам» деб ҳурмат билан элга манзур хизматларини эсга олишадди.

Собир МИРВАЛИЕВ, адабиётшунос олим, Ўзбекистон фан арбоби.

Анвар ОБИДЖОН, Ўзбекистон халқ шоири.

Ака-ўка Исроил ва Исмоил ВАҲОБОВлар, Ўзбекистон халқ хофизлари.

Матлуба ДАДАБОЕВА, Ўзбекистон халқ артисти.

Теша МҮМИНОВ, Ўзбекистон халқ артисти.

Тоҳир САИДОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

Ғиёс БОЙТОВЕВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.


Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Уларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, Юнусобод туманининг бугунги чиройи тўғрисида тўлқинланиб гапириб бериши аниқ. Биз шу туманда вояга етган, ҳалол меҳнати билан эл-юртда обрў-эътибор қозонган Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ ўқитувчиси Мавлуда ИСМАТОВАнинг дил сўзларини қозоғиза туширдик.

— Ўша вақтда вилоятга қарашли шу мактабда 1961 йилда иш бошлаганман, — дейди у. — Ишчилар шаҳарчасидан автобусда келардим. Бу жойлар экинзор, тоқзор, боғ эди. Шу боис мактабда педагогик кенгашлар, тadbирлар ўтказилган кунларда дадам келиб мени олиб кетарди. Тақдир экан, шу маҳаллага келин бўлиб тушдим. Мактабимиз бир неча хонадан иборат,

шароитлари йўқ эди. Амалий машғулотлар ўтказилмагани учун танқид эшитардик. Кейин бу жой шаҳарга қарайдиган бўлди. Туманда катта қурилиш ишлари бошланди. Янги мактаб қуриб беришди. Энди бино бор, лекин шароитларимиз етарли эмасди.

Бир ўқитувчи сифатида фахрифтхор билан айтишим керак, мустақиллик йилларидагина таълим соҳасини ривожлантиришга чинакам эътибор берилди, шароити кўп эгаларнинг қадри жойига қўйилди. Президентимиз раҳнамолигида таълим соҳасида ўтказилаётган ислохотлар натижасида бошқа мактабларимизда бўлгани каби, бизнинг мактабда ҳам шароит яхшилашиб борди. Бунга мос равишда болаларга бераётган таълим-тарбиямиз сифати ҳам ўсди.

Таълим соҳасида қабул қилинган Дастурга асосан мактабимиз мукамал таъмирланди. Энди мактабимизга қарасак, ўзимизнинг ҳам кўзимиз қувнайди. Синфхоналарини айлансак, диллимиз яйраб кетади. Замонавий мебеллар, жиҳозлар, ўқув қуроллари кўзни қамаштиради. Фанхоналаримиз, учта лабораториямиз (кимё, физика, биология) ҳозирги кун талаблари асосида жиҳозланган. Меҳнат дарслари ўтиладиган хонадаги жиҳозларни кўрганда хурсанд бўлиб кетаман. Спорт залимизда



Биз билган ва билмаган тарих

Мамлакатимиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Президентимиз Фармони билан бир гуруҳ юртдошларимизга фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида биринчи ва иккинчи даражали давлат мукофотлари берилди.

1994 йил ёзида Буюк Британияга уч ҳафталик хизмат сафарига бориб, у ердан Улуғбек ижоди, умуман, Темирийлар даври тарихига оид қўл ёзма-ларнинг микрофильмларини олиб келдим.

Ушбу асар муаллифининг номи Мутрибий ал-Асамм бўлиб, асарнинг ёзила бошлаган пайти, ҳижрий «минг ўттиз тўртинчи йил ражаб ойининг бошида», яъни 9 апрель 1625 йил ўша пайтда ёши олтиш саккиздан олтиш тўққизга ўтганини айтган.

Муаллиф ўзининг асл ватани ҳақида ҳам хабар беради. У «доимий ватан балдаи фоҳира Бухородан беихтиёр Ҳиндистонга кўчдим» дейди.

Бундан кейинги хабарида Мутрибий асарни икки силсилада ёзишни мўлжаллаганини ва биринчи боби чигатой султонлари ва шоирлари ҳақидаги маълумотларга бағишлаганини, иккинчи бўлимини эса ўзбек султонлари ва улар давридаги фозиллар ҳақида баён қилажанини айтади.

Муаллиф асарини уни ўз панжонага олган «Нуруллоҳ вад-дин Жаҳонгир подшоҳ ибн Жалолиддин Акбар подшоҳга», яъни Бобур Мирзонинг набирасига бағишлаган бўлса ҳам, унда асосан Туркистондаги воқеалар баён қилинади.

Муаллиф асар номи остига: «Чигатой ва ўзбек султонларининг ва ҳамда улар давридаги ўзбек шоирларининг табакотларини ўз ичига олади» деб ёзиб қўйган. Мазкур тарихий асарни таржимаси ва тадқиқоти талғаги вазибаларимиздан биридир. Ҳозирча ундан олинган бир парчадан ўқувчилар эътиборига ҳавола қилишни лозим топдик.

Шунингдек, даҳманинг гумбазига осилган қандил можаросига бу парча ойдинлик кирилади деб ҳисоблайман. Изоҳлар тегишли жойида қавс ичида келтирилади.

«Тарих тўққиз юз саксон иккида (мелодий 1574/75) Жувонмард Алихон (Шайбоний) салтанати кунларида бу подшоҳ гоэий (Акбаршоҳ Бобурий) Самарқандга бир фил олтин юбордики, соҳибқироннинг даҳмасини таъмирласинлар деб, चुники унинг буюк ва муътабар ажодиди эди. Бу даҳма шундай даҳмаки, унинг олдида Навширвони (Одилнинг) даҳмаси ҳайрат бармоғини тишлайди.

Бу дарвоза билан муттасил масжиди олий қурилганки, халойиқ бу масжидда кеча-кундуз

да узун ва кенг айвон бино қилди. Хар жумъа куни халойиқ

МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ САМАРҚАНДАГИ ИККИНЧИ МАДРАСАСИ



у ерда намози жумъани ўқийдилар. То шу вақтгача бу иморат ободдур. Бу тариха ҳам маслуқдир.

Агар мазкур дарвозадан кирилса, яна ҳовли қўринади, шакли мураббаъ (квадрат). Унинг деворлари ниҳоятда баланд, тахминан қирқ газ (20м). Эни ҳам шунга ўхшаган қисқ қилинади.

Унинг уч руқнда уч минора бор, бири гулдastasиз ва тепасида қошин битик бор: Ал-абд юдаб-бир ва Аллоҳ юқаддир (Банда тadbир қилади). Аллоҳ тақдир қилади). Бошқа икки минорага гулдastалик ва гулдastаларнинг ат-рофида оқ қошин билан битилган: Иннаҳу Аллоҳу ва ло савоҳу ва ло наъбуду илло иййоҳу (Аллоҳдур у ва унинг тенги йўқ. Биз ундан бошқага ибодат қилмаймиз).

Ичкари кирилса, бу мунаввар ва мутаҳарр даҳманинг ўртасида оқ тошдан ясалган панжара ва уларнинг буюк подшоҳларининг сөрнур қабрлари туради.

Бу панжаранинг атрофида тўрт тоқи ўрнатилган. Энг баланд олдинки тоқида ҳазрат амир ал-дунно Усмоин, разий Аллоҳунанунинг Қаломуллоҳи баланд лаваҳга қўйилган. Бу қўфа хатида битилган мусхаф бўлиб, шакли узун кемага ўхшаган ва унда ҳазрат амир, разий Аллоҳунанунинг муборак хунининг асорати бор. Фасайакфикаҳум Аллоҳ (Сизга Аллоҳ кифоядир) ояти билан у ҳозиргача ўша ерда турибди.

қироннинг набираси. Ўз қўли билан тилло сувида сулс хати билан ёзган. Тахрирни, елимлашни, бешдан бирини, ўндан бирини, лавҳни, жадвал ва жилднинг ҳаммасини у ўзининг муборак қўли билан қилган. Улар бу даҳмаи табарруқнинг вақфига берилган. Бу равзаи мутаҳарранин деворлари ҳаммаси тилло юритилган оқ тошлар билан безатилган. Бу даҳманинг гумбазининг шипи тилло суви, ложувард ва жезлар билан нақшланган. Унинг атрофида рангоранг шишадан

лар ва фаррошларга муҳаррар қилди. Ва хар куни боьмодд на-мозини адо этгандан ва «Ясин» сурасини қироат қилгандан сўнг ўшал манзили тановул қилган. Аммо мазкур хон қатл қилингандан сўнг Ибодуллоҳ Султон салтанати даврида у одат тўхтади. Сўнгра султонларнинг олий-сифатлари ҳам, пастрлари ҳам бепарволиги сабабли у табарруқ манзил қаровсиз қолди.

Мазкур султон қатл қилингандан сўнг унинг ўқаси Абдуллоҳон мағфур ул табарруқ манзилнинг вақфларини қўлга олди, қўп олтин тўплади ва уни таъмирлаб, пул билан таъминлади ва уни аввалгидан ҳам яхшироқ қилди. Унинг ҳаёти даврида у табарруқ манзил гоёт обод ва дам оладиган жой бўлди.

Мазкур хоннинг вафотидан сўнг то шу бахтли кунгача унга яна путур етди. Бу кунларда Саййид Саҳиҳ Мир Баракаи Бухорийким, ул кишим Амир Саййид Қулоннинг авлодлариданлар, Ҳиндистондан келди-лар ва бисёр қўп тилло келтирдилар ва сарфлар мудири Тоҳиддин Ҳасан Хожа ва Сирроҳиддин Абдурахим ул табарруқ манзилнинг баъзи жойларини зўр эътиром билан таъмир қилдилар...

Умидворлик шундайки, хусусан беназир, қиблаи оламгир Жаҳонгир подшоҳ, Аллоҳ унинг мулкини сақласунки, илтифот нури сабабли ўзининг асл сарҳадиға яна таъмир учун сарф қилди».

Ушбу парчадан қўйидаги хулосалар келиб чиқади: Гўри Амир ансамбли ҳозиргидан анча катта ерни эгаллаган ва унинг таркибида Улуғбек мадрасаси, яъни унинг Самарқанддаги иккинчи мадрасаси бўлган, ансамблининг таъмири ва аҳоли то 1625 йилгача Ҳиндистон Темирийларнинг диққат марказида турган ва улар бу ишларга махсус маблағ ажратиб турганлар.

Мазкур китоб ўзбек тилида ўзгарилиб, яна ишро этилган маълумотлар чуқур ўрганилса, тарихимизнинг, хусусан, Темирийлар даврининг янги қирралари очилади, деб ўйлаймиз.

Ашраф АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Республикаси Биринчи даражали Давлат мукофоти соҳиби.

Publication information including: BOSH MUHARRIR: Safar OSTONOV; TAHRIR HAY'ATI: Abdulla ORIPOV, Latif G'ULOMOV, Asliddin RUSTAMOV, Bobir ALIMOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Murodulla ABDULLAYEV, Ulug'bek MUSTAFOYEV, Ta' yana KISTANOVA, G' affor HOTAMOV, Muslihidin MUHIDDINOV, Svetlana GERASIMOVA, Andrey KUSTOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV; MUASSIS: O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI; BO'LIMLAR: Partiya hayoti, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib; VILOYAT MUXBIRLARI: Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda; MANZILIMIZ: 100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY. e-mail: info@uzbekistonovozi.uz; Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV; Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

ВАТАН ҲИМОЯСИ — ОЛИЙ ШАРАФ



Инсон ҳаётида бир умр унутилмайдиган дақиқалар бўлади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик ва академиясида бўлиб ўтган биринчи босқич тингловчиларининг қасамёд қабул қилиш маросими уларнинг ота-оналари учун, айниқса, ҳаяжонли бўлди. Хоразмлик Мансурбек Матбакувнинг момоси — 85 ёшли Гул-

УЧИНЧИ УЧРАШУВ

Бугун пойтахтимиздаги «Пахтакор» маркази стадионида Ўзбекистон — Эрон миллий терма жамоалари ўртасида халқаро ўртоқлик учрашуви ўтказилди

Эрон футболчилари китъамизнинг номдор жамоаларидан саналади. Эронликлар уч карра Осие (1968, 1972, 1976 йиллар) чемпиони, Осие ўйинлари (1974, 1990, 1998) голиби ҳамда жаҳон чемпионлари (1978, 1998, 2006) катнашчиси. Аммо мамлакатимиз футболчилари каби 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионати саралаш бахслари Эрон миллий терма жамоаси учун муваффақиятсиз якунланди. Айни пайтда жамоани Али Каримий, Раҳмон Ризоий, Жавод Козимиан сингари етакчи

натида ҳам омад улар тарафида бўлган — 2:1. Хўш, бу гал омад кимга қулиб боқаркин?!

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бosh мурабийи Миржалол Қосимов мазкур муҳим ўртоқлик учрашуви олдидан ташкил қилинган ўқув-машғулот йигинига маҳаллий клубларимизда ҳамда хорижда тўп сураётган йигирма икки нафар футболчини жалб этди. Эътиборли жиҳати, мухлислар мазкур ўртоқлик учрашувида терма жамоамиз таркибида маълум танлафусдан Керейн Виталий Денисов («Днепр», Украина), Вагиз Галиуллин («Рубин», Россия), Азиз Ибрагимов («Богемман», Чехия) каби легионерларимиз ўйиндан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон — Эрон миллий терма жамоалари ўртасидаги бу баҳс футболчиларимиз учун 2011 йилги Осие чемпионати саралаш учрашуви олдидан ўзига хос синов вазифасини ўтайди. Хабарингиз бор, шу йилнинг 14 ва 18 ноябрь кунлари ҳамюртларимиз ушбу саралаш учрашувлари доирасида Малайзия терма жамоаси билан куч синашдилар.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети жамоаси «Умумий тарих» кафедраси мудири, тарих фанлари доктори, профессор Шодмонкул ПРИМКУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Равшан ШОДИЕВ Суратда: Лукмон Шапсанов отонаси билан.